

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 9, 30 Сентябрь

удк: 636

КОРА-ОЛА ГОЛШТИН ЗОТЛИ ЯХШИЛОВЧИ БУКАЛАР ГЕНОТИПИНИНГ НАСЛДОРЛИК ИНДЕКСИНИ КУТАРИЛИШИДА АВЛОДЛАРИ ХУЖАЛИК ФОЙДАЛИ СИФАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

У.Ш.Сайдалиев,

Термиз давлат мухандислик ва агротехнологиялар университети доцент в.б,

Жумаева Нодира Чориевна

Зооинженерия таълим йўналиши талабаси

Аннотация. В статье проведены Данные совершенствование стад черно-пестрого скота, отбор быков улучшататей галштинской породы и эффективное использования их в скрещивания в системы искусственного осеменения.

Summary. The article presents data on the assessment of bulls improvers on the genotype of fathers, on productive indices of mothers and their use in the system of artificial insemination of cows.

Катит сўзлар. генотип, наслдорлик, зот, селекция.

Кириш. Юртбошимиз мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуси билан 28 март 2019 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 4254-сонли Қарори муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлиб, эндиликда соҳага масъул ягона тизим шаклланди. Чорвачиликни жадал ривожлантириш, наслчилик шпини такомиллаштириш, унинг ютуқларини ҳамда замонавий технологияларни кенг жорий этишга имкониятлар яратилди. Уларни илмий асосларда ҳатоликларга йўл қўймаган ҳолатда бажаришимиз, шунингдек бу борада йўл харитасини белгилаб олишимиз жоиз.

Бунда "Ўзбекчорванасл" агентлиги тизимида шаклланган марказ ва корхоналар фидойлик намуналарини кўрсатишлари ўз самарасини беради. Селекция ютуқлари ва илғор технологиялар жорий этилиб, чорва молларининг наслдорлик ва махсулдорлик потенциаллари ишга солинади.

Илмий тадқиқот услублари. Республикада урчитилаётган 4.5 миллиондан ортиқ сигирлардан наслдор ва сермахсул авлодлар олишда, уларни яхшиловчи

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 9, 30 Сентябрь

зотли бухалар уруғи билан сунъий уруғлантириш усулини кенг жорий этиш вазибалари белгилаб берилишида яхшиловчи зотли буқаларни танлаш ва уларнинг уруғидан кенг фойдаланиш имкониятларининг яратилиши асосий омиллардан бири хисобланади. Биз бу борада Германиядан яхшиловчи зотлар буқаларини генотиби ва махсулдорлик сифатлари бўйича танлаб олиб, уларнинг сперма захираси банкини яратдик. Буқалар замонавий селекция усулларида наслдорлик ва махсулдорлик индекслари бўйича ишончли даражада танланди.

Тажриба натижалари. Республика худудларида кенг тарқалган қора-ола зотли ҳамда қора-ола голштин генотибли подаларни такомиллаштириш борасида сунъий уруғлантиришда фойдаланиш учун қора-ола голштин зотли яхшиловчи буқаларни наслдорлик индекси ва авлодининг яхшиловчи фойдали сифатларини шаклланишини ”Ўзнасччилик” Давлат корхонасида ўргандик. Буқаларни танлашда энг мухим кўрсаткичлари, улар генотибидаги наслдорлик индекси асос қилиб олинди. Наслдорлик индекси кўтарилиши билан авлодлар хўжалик фойдали сифатларини шаюлланиши аниқланган. Ўта наслдор буқалар гурухлари шакллантирилди. Қора-ола ва голштин генотибли сигирларга буюртмали саралаш режаси тузилиб сунъий уруғлантиришда жорий этиш чора-тадбирлари амалга оширилади. Юкори наслдорлик индексли буқалар жахон селекция талабларига хосдир. Улар Республика наслчилик базасини такомиллаштиришда асосий омил бўлади.

Маълумки, ривожланган давлатлар селекция ютуқларида хар бир зотнинг наслдорлик ирсий хусусиятлари ҳамда хўжалик фойдали белгиларининг стандарт кўрсаткичлари яхшиланиб, улар индекс кўрсаткичларида баҳоланади. Жумладан, наслдорлик индекси —RZG, сут махсулдорлиги — RZM, экстерьер тизими бахоси — RZE, соматик хужайралар сони — RZS, урчиш ва пуштдорлик сифатлари— RZN ва хўжаликда фойдаланиш муддатларини давомийлиги — RZR белгиларида кўрсатилади. Биз ушбу кўрсаткичлар бўйича буқаларнинг наслдорлик индексларини аниқладик (1 - жадвал).

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 9, 30 Сентябрь

Қора ола голштин зотли яхшиловчи буқалар генотиплари наслдорлик индексларининг кўтарилишида авлодлар хўжалик сифатларининг шаклланиши

Буқалар генотипи наслдорлик индексини (RZE) кўтарилиши	n	Авлодлар хўжалик сифатларини шаклланиши				
		RZM	RZE	RZS	RZN	RZR
110-120	1	96	118	100	137	111
121-130	1	118	108	106	114	99
131-140	8	123,8	123,8	110,4	115,4	108,1
141-150	7	136,3	128,3	114,1	122,3	105,3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, буқалар генотипи наслдорлик индексини кўтарилишида авлодлар хўжалик фойдали сифатлар индекслари ҳам кўтарилиб борган. Жумладан, наслдорлик индекси 121-130 (RZG) бўлишида авлодларининг сут махсулдорлик индекси (RZM)-118 ни (яъни, 100 дан 18 юкори), экстерьер тизимли индекси (RZE)108 ни соматик хукайралар индекси (RZS)-106 ни, урчитиш ва пуштдорлик индекси (RZN) — 114 ни ва хўжаликда фойдаланиш муддати индекси (RZR)-99 ни ташкил этган бўлса, 131-140 наслдорлик индексида (RZG)-авлодлар хўжалик фойдали сифатлар индекслари тегишлича 123,8, 123,8, 110,4, 115,4 ва 108,1 га кўтарилган. 141-150 наслдорлик индексида (RZG) эса -136,3, 128,3, 114,1, 122,3 ва 105,3 ни ташкил этган. 131-140 ва 141-150 наслдорлик индексли буқалар ўта юкори наслдорлик ирсий сифатлари билан характерланади. Шулардан 7 та наслдор буқалар ўта кимматли бўлиб, қора-ола генотип зотли подаларни такомиллаштиришда самарали ҳисобланади.

Улар гуруҳида Ульфилаас лакабли №22657309 рақамли бука лидер ҳисобланади. Унинг генотип наслдорли индекси (RZG) -150, авлодлари сут махсулдорлик индекси (RZM)-135, экстерьернинг тизимли индекси (RZE)-137, соматик хукайралар индекси (RZS)-131, урчиш ва пуштдорлик индекси (RZN)-127 ва хўжаликда фойдаланиш муддати индексининг (RZR)-92 ни ташкил этган. Унинг генотипидан ута сермахсул ва наслдор авлодлар олинган. Яни, унинг опа-сингил туҳишганлари юкори наслдорлик ва махсулдорлик сифатлари билан характерланади. Қора ола ва голштин зотли наслчилик фермер хўжаликлари сунъий уруғлантиришни кенг жорий этишларида

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 9, 30 Сентябрь

буқалар генотипининг наслдорлик индексларига эътибор берилиши лозим. Кора-ола голштин зотли яхшиловчи буқалардан импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп уруғлар олиниши республика чорвачилиги ривожига учун муҳим аҳамиятга эга.

”Ўзбекчорванасл” агентлигининг вилоятлар наслчилик марказлари ва туманлар сунъий уруғлантириш шахобчалари экспортбоп буқа уруғларидан сунъий уруғлантиришда фойдаланиш чора-тадбирларини ишга солишга тугатилган имкониятлари яратиб берилди.

Шу боис, азиз чорвадорлар шошилиниг, кимматли буқа уруғларини олишга ва ундан сунъий уруғлантиришда фойдаланишга эришинг.

Республикамизда 2018 йил маълумотларига кўра деҳқон хўжаликлари сигирларидан ўртача 2318 кг ва фермер хўжаликларида 1775 килограммдан сут сомб олинган бўлса, наслдор буқалар уруғи билан сунъий уруғлантиришда улардан олинган кора-ола зотли голштин генотипи сигирлар сут ҳажми 4800-5200 килограммга ва голштин зотли сигирларда 7500-8000 килограммга кўтарилади. Бу ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади.



Хулоса. ”Ўзнаслчилик” Давлат корхонасига юқори генотипли наслдор буқалар танлаб олинган ва уларнинг музлатилган уруғи банки ташкил этилган. Импорт қрнини босадиган ва экспортбоп буқа уруғларидан сунъий уруғлантиришда кенг фойдаланиш жоиз.

Кора-ола голштин зотли моллар наслчилик базасини Тошкент, Фаргона, Андижон, Наманган, Сирдаре, Жиззах, Сурхондарё ва Самарканд вилоятларида кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадли ҳисобланади. Наслчилик базасини мустаҳкамлаш молларни тўла қийматли озиқлантириш ва

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 9, 30 Сентябрь

сақлаш технологияларини жорий этишда импорт ўрнини босадиган ва экспортбop ғунажинларни етиштиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Носиров У.Н., ва бошқ. “Классик ва замонавий селекция усуллари” Ташкент. 2008.
2. Носиров У.Н., ва бошқ. Ўзбекистонда қорамолчиликни ривожлантириш омиллари. SML-ASIA. 2011. 195 б.
3. Рябов Р.И., Любимов А.И. Взаимосвязь качественных и количественных показателей семени быков-производителей с сезоном года. Зоотехния. 2012. №5. С. 29-30.
4. Сударов Н.П., Абылкасымов Д., и др. Реализация генетического потенциала продуктивности голштинизированного скота ОАО ПЗ «Агрофирма Дмитрова гора» Тверской области. //Зоотехния. 2017. №2. С. 14-25.
5. Сайдалиев Ў.Ш. Чорвачилик асослари Дарслик. Тошкент. Фидокор ёш авлод нашриёти. 2024 йил.
6. Сайдалиев Ў.Ш. Умумий зоотехния Дарслик. Тошкент. Фидокор ёш авлод нашриёти. 2023 йил